

ЛАТОФАТ ТЕМИРОВА

ЮРАГИМДА  
ИШҚ ЯШАР


*ШЕЪРЛАР*

Ташкент  
«Янги яр» ахтоди  
2006

84(55)6-5 Ўзбек тилининг 2000-йил  
Шеърлар

Латофат - латофатли шеърлар ёзгиси келади. Юрагини очиш, ундаги сўзларни сочишни истайди. Қалвидаги тўфонлар овозини қогозга туширади, уни англамоқ дардида ёнади.

Албатта, кўнгил тўфони бошқа, шеър бошқа. Лекин, энг мұхими тўгрислик. Алалхусус, Латофат Темирова тўгрисўз шоира.



32481  
081

ISBN 5-633-01941-5

© Латофат Темирова, «Юрагимда ишқ яшар».

«Янги аср авлоди», 2006 йил

## ВАТАНИМ

Оналар бағридай илиқ қўйнингда,  
Бахт нашъасин сурдим тинч ва осуда.  
Улғайдим, ўстирдим фарзандларимни,  
Ватаним, суюндим сенга ҳамиша.

Фам-ташвиш тортмадим олам ғамидан,  
Зар унар ерингдан, тутдинг ризқимни.  
Сендан ғурурланиб дунёга боқдим,  
Ватаним, суюндим сенга ҳамиша.

Ўзга эллар қойил қолди номингта,  
Оlam аро топган шуҳрат шонингта.  
Ўзбек номи достон бўлди жаҳонга,  
Ватаним, суюндим сенга ҳамиша.

## СУРХОН ҚИЗИ

Палахмоннинг тоши бўлиб отилган қиз,  
Сурхон элдан Шаҳрихонга сотилган қиз.  
Ошиқ қалбин суйганига фидо қилиб,  
Зар водийда фарзанд бўлиб севилган қиз.

Жигарларин соғинчига чидолган қиз,  
Армонларни бахти билан тўсолган қиз.  
Сурхондарё тогларида чорлар бир ҳис,  
Икки ўтни орасида ёнар шу қиз.

Палахмоннинг тоши бўлиб отилган қиз,  
Юрагидай ловуллайди кўкда юлдуз.  
Кўнглин очиб ёйиб қўйса дарё бўлар –  
Унда тўлқин отиб ўтар хотиралар.

\* \* \*

Үн беш күнлик дунёда дүстим,  
Гуноҳлардан чўчиб яшайман.  
Ортдан сўзлаб олманг гуноҳим,  
Охиратим ўйлаб яшайман.

Гуноҳ бўлса юрган йўлларим,  
Ноўриндир айтар сўзларим.  
Юзга айтинг ортдан сўзламай,  
Охиратим ўйлаб яшайман.

Айбларимни санаманг бир-бир,  
Фам емайман менга барибир,  
Ўзингизга боқиб қўйинг бир,  
Охиратим ўйлаб яшайман.

Ҳар қадамим Оллоҳга аён,  
Кечмишларим пепонада бор.  
Кечиргучи ёлғиз ўша ёр,  
Охиратим ўйлаб яшайман.

## ХАЁТ

Бунчалар ҳам ажибсан ҳаёт,  
Аламлардан күксимдир ғамнок.  
Кувончларга тўламан, ҳайҳот,  
О, сени юракдан севаман ҳаёт.

Айрилиқлар күксим тилганда,  
Кечмоқ бўлдим сендан бир лаҳза.  
Ғам ортидан келганда шодлик,  
О, сени юракдан севаман ҳаёт.

Яхши кунга қилиб шукурлар,  
Дил уйини қиласман обод.  
Ҳар не келса айлаб сабрлар,  
Талпинаман, о, сенга, ҳаёт.

## ТАВАЛЛУД КУН

Сени кутаяпман, ёмоним,  
Ахир йўқми зарра имконим.  
Унудингми, бепарвогинам,  
Сени дея яралган оним.

Дўстлар кутлар, тутиб гулдаста,  
Яқинларим боқар ҳавас-ла.  
Дилни овутолмас юпанчлар,  
Кўнгил – соғинч деган қафасда.

Асло умид узолмам сендан.  
Жисмим бунда, юрак-чи сенда.  
Нигоҳларим боғланган тушун,  
Бизни учраштирувчи кунга.

Сўнгти умидларим бўлди чилпарчин,  
Шунчалар бағритош экансан, ёрим.  
Нечун кўнгил қўйибман, нечун,  
Сенсиз ғамга тўлди таваллуд куним.

\* \* \*

Үйланиб қоламан боқиб сизларга,  
Барчадан камчилик излаб топасиз.  
Бирдайин ёқмайди яхши ҳам ёмон,  
Кимсизки. қалбларга тиглар отасиз.

Кулиб юрганларни сүз-ла қўймайсиз,  
Қовоқ уйғанларни фийбат этасиз.  
Сўзласа, сўзидан камчилик топиб,  
Сукут сақлаганга тошлар отасиз.

Дунёга не бердим, демайсиз, аммо  
Инсонлар ишидан иллат топасиз.  
Лоақал бир оғиз ширин сўз демай,  
Яхшилар дилига озор берасиз.

Бу дунё боқиймас иккимизга ҳам,  
Қилган ишимизга жавоб топамиз.  
Бир бор назар ташланг қадамингизга,  
Афсус қилиб қолманг умр сўнггида.

## СЕВИБ ҚОЛИБСАН

Күзларингда рашк, алам, фироқ,  
Сўзларингда ноз, араз, ишва.  
Хаёлларинг ўзгада турса,  
Йўқ демагин, севиб қолгансан.

Ярим-ёрти чиқса сўзларинг,  
Жовдираса гирён кўзларинг.  
Зериктирса эзма дўстларинг,  
Сен севгансан, севиб қолгансан.

Юрагингдан кетса ҳаловат,  
Ҳеч нарсага қолмаса тоқат.  
Яширмагин, ийманма фақат,  
Сен севгансан, севиб қолгансан.

## ҚАЙНОНАЖОН

Келин келди уйингизга ойдайин,  
Кўкси узра орзулар осмондайин.  
Ўғлингизга мос тушибди, бир қаранг,  
Қайнонажон, меҳр беринг қиздайин.

Ҳовлингизда учеб-кўниб юрибди,  
Фариштадек қаршингизда турибди.  
Хато қилса қўйинг, ёшлиқ қилибди,  
Қайнонажон, меҳр беринг қиздайин.

Яхши деса, ёмон яхши бўлади,  
Бағрингизда бир навниҳол ўсади.  
Онажони хавотирда туради,  
Қайнонажон, меҳр беринг қиздайин.

Тилни тийинг, дилига гард қўндираманг,  
Кўксидаги ишқ шарорин сўлдираманг,  
О, бу санам баҳт улашар ҳаммага,  
Қайнонажон, меҳр беринг қиздайин.

Ўғлингизга эга бўлса, яхши-ку,  
Ўтмишингиз эсланг, бари қайтди-ку.  
Бир ўғлингиз кўпайиб ўз-ўзидан,  
Уйингизга набиралар тўлди-ку.

Бир кун келиб қуюлиб ҳам қолади,  
Тутумингиз буткул қўлга олади.  
Қараб туринг, бари гўзал бўлади,  
Қайнонажон, меҳр беринг қиздайин.

## ЎКИНЧ

Миш-мишларни қурбонимиз иккимиз,  
Фийбатлар ғалаба қилди, начора.  
Оқибат, мозорин кўрдик севгимиз,  
Энди сен бенажот, мен ҳам бечора.

Айрилик кўрқитмас, кўниб яшаймиз,  
Ишқни бағримизга кўмиб яшаймиз.  
Биламан, аламлар емирап қалбни,  
Биз энди баридан тониб яшаймиз.

## МЕНГА ЎРГАТ

Менга ўргат ишқсиз яшашни,  
Мұхаббату ёрдан кечишни.  
Ҳижронларга топширмай қалбни,  
Севги ўтингоҳ ўчиришни.

Менга ўргат дўстсиз яшашни,  
Садоқати йўқдан қочишни.  
Мехрим увол қилмай бекорга,  
Доноларни улфат тутишни.

Менга ўргат сабр-бардошни,  
Фам ютса-да мағрур боқишини.  
Жигарларим меҳрсиз бўлса,  
Оллоҳимни паноҳ тутишни.

Менга ўргат ёлриз яшашни,  
Бу дунёдан ногоҳ кечишни.  
Ёлғон дунё ғавғоларидан,  
Чин дунёга риҳлат этишни.

## **ОНАЖОНИМ**

Ҳар лаҳзада дуойингиз қўмсайман,  
Нур сочувчи юзингизни излайман,  
Ҳидларингиз армон ила эслайман,  
Онаジョンим, сизни қўмсағ яшайман.

Ташвиш тортсан фарзандларим ғамида,  
Қувонтирса баҳт ва омад сурори,  
Саодатта чулғанган ҳар онимда,  
Онаジョンим, сизни қўмсағ яшайман.

Гоҳида шод, гоҳи ғамгин юраман,  
Дўсту душман қуршовида бўламан,  
Софинчимни кўз ёшим-ла юваман,  
Онаジョンим, сизни қўмсағ яшайман.

\* \* \*

Аёлни баҳорга ўхшаттим келар,  
Гулдайин очилиб, ифорлар сочар.  
Нозлари ярапар, арази ёқар,  
Лаҳзада кечириб, шод бўлиб қолар.

Севса, ёри учун жонидан кечар.  
На жондан, бор йўғи шонидан кечар.  
Тутқазар қалбини ёрга майдалаб,  
Баҳордай дилларга шодлик улашар.

Аёлни баҳорга ўхшаттим келар,  
Сочади кўкламдай ифорларини.  
Гоҳида атиргул каби очилар,  
Тарқатиб дунёнинг губорларини.

## **АРМОН БҮЛСИН ЁР**

Кўнглимдан чиқариб бўлганман сизни,  
Юракдан ўчирдим мен исмингизни.  
Энди эсламайман билсангиз сизни,  
Афсуски, армонлар энди сизга ёр.

Қадримни билмаган малак эдингиз,  
Севгимни ер билиб, осмон ўзингиз,  
Кечсам-да, кечмайди, деганимидингиз,  
Афсуски, армонлар энди сизга ёр.

Сизда йўқ соддалик безайди уни,  
Нафислик, ҳалоллик кўзгуси дилни,  
Унинг садоқати лол этар мени,  
Афсуски, армонлар энди сизга ёр.

Қалбимда не бўлса беряман унга,  
Тоза тилакларим тилайман унга,  
Ҳаётин қувончга қўшгум биру бор,  
Афсуски, армонлар энди сизга ёр.

## ЁШЛИГИМ

Хаёлларга чўмиб бораман,  
Болалигим ўтган кўчадан.  
Ним табассум инар лабимга,  
Хотиранинг сирли кучидан.

Дутоналар йигилиб ҳар кун,  
Ким ўзарга чопишар эдик.  
Ариқларда оқизиб кулга,  
Мазасидан роҳат топардик.

Мурғак эдик, шамолдек бебош,  
Ўйин тушиб, қўшиқ айтардик.  
Соч попуклар тақиб соchlарга,  
Оразулар-ла тўлиб тошардик.

Хаёл суриб бораман аста,  
Не йўқотдим ва топдим дея.  
Ўраламан сўнгсиз ўйимга,  
Ўзни қўлга оламан аста.

У кунларга бўлсайди қайтиб,  
Онам ёпган кулчадан тотиб –  
Жигарларим қайноқ меҳрига,  
Висолига тўёлсанм қониб.

Катта бўлмоқ бунчалар қийин,  
Ёшлиқ, сендан узоқлаб кетдим.  
Ками битмас ёлғон дунёдан,  
Сочларимга оқ тола топдим.

Қаршилабман бугун қирқ ёшни,  
Товонгача етар титроғим.  
Талпинаман болалик, сенга,  
Қайтиб бўлмас оппоқ булогим.

## **БАҲОР БЎЛИБ КЕЛИБСАН**

Ойдай тўлиб, гулдай очилиб,  
Райҳондай хуш ифор таратиб,  
Кўнгилларга севинч баҳш этиб.  
Баҳор бўлиб келибсан, моҳим.

Боқсанг кўнгил яираб оқади,  
Дилда ғаминг бўлса ўтади,  
Кўзлар фақат сенга боқади,  
Баҳор бўлиб келибсан, моҳим.

Қадамингдан гуллар унади,  
Сўзларингдан завқим дўнади,  
Хаёлларим сен-ла бўлади,  
Баҳор бўлиб келибсан, моҳим.

## **МУҲАББАТ**

Кўнгил, нима истайсан мендан,  
Кўй ҳолимга, тўйдим севишдан.  
Муҳаббатдан сўз очма ҳаргиз,  
Кечдим бугун ёниб куйишдан.

Қайтишини истамам ишқни,  
Тугамасин майли ҳижронлар.  
Қалбга азоб солса-да соғинч,  
Кечдим севги тўла осмондан.

Қарғамайман севгини аммо,  
Не бўлса ҳам тақдирдан кўрдим.  
Етолмадим севгимга, аммо  
Ширин дамлар ёнида турдим.

## КЕЧИБ ҚҮЯМАН

Соддагина, ожиз ёрингман,  
Ҳар сўзингта кўнар жонингман.  
Ёлғонларинг сезсам-да жоним,  
Узр, дейсан, кулиб қўяман,  
Гуноҳингдан ўтиб қўяман.

Бегонадай боқасан менга,  
Парво қилмай ошиқ қалбимга.  
Кўнгил ўксисб кечмоқ бўлганда,  
Узр, дейсан, кулиб қўяман,  
Гуноҳингдан ўтиб қўяман.

Ёрим, сендан осонмас кечмоқ,  
Висолингдан буткул айрилмоқ,  
Муҳаббатсиз – ишқсиз янамоқ,  
Араз, ноз-ла кулиб қўяман,  
Гуноҳингдан ўтиб қўяман.

## **СЕВМАЙСАН**

Сенга ёқмаслигим биламан ўзим,  
Негадир сен томон талпинар юрак.  
Ўз-ўзимни алдаб құяман, жоним,  
Севади, кутади, орзиқиб, ёрим.

Хүзурингта шошаман мудом,  
Биламан, ўзгалар ёнингда ҳар дам.  
Йүқлигим билинмас сенга сира ҳам,  
Севмайсан, кутмайсан орзиқиб, жоним.

Сени қизиқтирмас ўй-хаёлларим,  
Билмадим, қалғ сендан нимани кутар.  
Севдим, деб айтмайсан бериб ваъдалар,  
Севмайсан, кутмайсан орзиқиб, жоним.

\* \* \*

Күкесим аро икки дард мавжуд,  
Икки юрак, икки ишқ мавжуд.  
Икки ошиқ, икки ёр мавжуд,  
Юракда-чи муҳаббат мавжуд.

Иккиси ҳам жондайин яқин,  
Юрагимга бўлишган ҳоким.  
Иккиси ҳам ажойиб куйдай,  
Мени мафтун этади бирдай.

Кечолмайман бирор биридан,  
Севаман тенг иккисин бирдан.  
Эҳ, бечора, начор юрагим,  
Куйиб кетар бу икки ўтдан.

## ЮРАГИМДА ИШҚ ЯШАР

Сұзим тинглаб, мени иғво қиласверинг,  
Күлдан келса юрагимни ўяверинг.  
Аламингиз бўлса, майли, олаверинг,  
Юрагимда бир ишқ яшар, шу ҳам етар.

Парво қилмай яна уни севаман мен,  
Қалб тубига унинг билан чўкаман мен.  
Бошқаси йўқ, ўша танҳо ишқ уйида,  
Ёрим билан яна ёлғиз қоламан мен.

Юракларни солиб бўлмас ўзга йўлга,  
Муҳаббатдан кечиб бўлмас бундай йўлда.  
Бошим тандан олса ҳамки бирор нокас,  
Юрагимда ундан ўзга ҳеч ким бўлмас.

Аламингиз бўлса, майли, олаверинг,  
Күлдан келса юрагимни ўяверинг.  
Кўнгил бояни майли, вайрон этаверинг,  
Юрагимда бир ишқ яшар, шу ҳам етар.

## **КЕЧМАГАЙМАН МУҲАББАТДАН**

Кўнглинигизда неки бўлса қилаверинг,  
Ёмонликни ҳар турини қўллайверинг,  
Керак бўлса жонимни ҳам олаверинг,  
Кечолмайман, билиб қўйинг муҳаббатдан.

Ёмонликдан толганимда яхшидур ул,  
Иғволардан тўйганимда орзудир ул,  
Тухматларга қолганимда ҳақиқат ул,  
Кечмагайман, билиб қўйинг муҳаббатдан.

Менинг умрим сизга нега қилар аlam,  
Юрагимда кимлар яшар бўлиб нолам,  
Яширмайман ёмонлардан, яхшидан ҳам,  
Кечмагайман, билиб қўйинг муҳаббатдан.

\* \* \*

Юрагимни бўлиб минг бирга,  
Яқинларим, бергумдир сизга.  
Айрилганда ҳар яқинимдан,  
Узилади юракдан парча.

Қоматим тик тураверади,  
Кўзлар мудом кулаверади.  
Айрилиқлар юраккинамни  
Ҳар лаҳзада тилаверади.

## СОВЧИЛАР

Маҳаллани хўп айланиб соячилар,  
Гўзалларни саралашди овчилар.  
Аста-аста танлаб неча дилдорлар,  
Келин қилмоқ бўлди хола-аммалар.

Бўйу бастин айланишиб кўрдилар,  
Гапга солиб, урфи одат қилдилар.  
Сочи узун, қаро кўзу камон қош  
Бир сулувни бошин боғлаб келдилар.

Кўрқма, синглим, суюкли ёр бўласан,  
Бахт уйига бахтли бека бўласан.  
Бир йигитнинг бағрига бош қўясан,  
Кўплар орзу қилган келин бўласан.

## КУТИШ

Кутиш қанча оғир шу лаҳза,  
Юрак нотинч, күнгил паришон.  
Согинч қалбни кемириб бўлган,  
Ёлғиз умид сендадир, висол.

Сенла ўтган ҳар бир онимни,  
Яхши ёки ёмон чоғимни.  
Ёдга олдим, қийнаб жонимни,  
Ёлғиз умид сендадир, висол.

Етар, бу кун тугади бардош,  
Согинчлардан эрир ҳатто тош.  
Мен тугадим, тушун, бағритош,  
Қачон висол бўлади йўлдош.

## АТЛАС КҮЙЛАКЛИ ҚИЗ

Атлас күйлак ичиндаги қадду қомат жон олур,  
Нозик белин күчиб турған сұнбул сочи жон олур,  
Бодом қовоқ, қаро күзлар, ә воҳ, яна минг жон олур.  
Қайрилма қош, найза киприк тифи бирла жон олур.

Бу париваш қадам босса, юришлари жон олур.  
Табассум-ла сўзлаб турса, сухани-да жон олур.  
Жаранглатиб қаҳ-қаҳ отса, ихтиёrim жон олур,  
Тани жонсиз деманглар, оҳ шул нозанин, жон олур.

Олса, майли, олақолсин, ўзим ризо жон олур,  
Лабга аста лабин қўйсун, кулиб ўлай жон олур,  
Ўлгандан сўнг йиғламанглар асло дўстлар, жон олур,  
Шоир кўнгли гўзалликка жон бергуси, жон олур.

## АРМОН

Маъюс кўзларингга боққанда, жоним,  
Гуноҳкор сезаман ўзимни доим.  
Кўнгил майлларин сезмайин нечун?  
Хато қилдим, афсус, армонда қолдим.

Бахт экан ёнимда юрганинг сенинг,  
Бемаъни гууррга топширдим қалбни.  
Эришганим бўлди файзсиз ҳаётим,  
Хато қилдим, афсус, армонда қолдим.

Ортга қайтаролсам қанийди барин,  
Йўқотсам-да гарчи бору йўғимни.  
Сен томон кетардим баридан кечиб,  
Хато қилдим, афсус, армонда қолдим.

Ёмонлар ўз ишин қилиб бўлдилар,  
Фитналарга қурбон этиб бўлдилар.  
Ҳижронларга қул бўлди согинчлар,  
Хато қилдим, афсус, армонда қолдим.

\* \* \*

Сени ўзим келин қилдим, ҳазилдан,  
Салом айтдим, бошинг эгдинг ҳазилдан,  
Қалбим тирнаб ўтганида бу ҳазил,  
Шунда билдим айрилиқ чинлигини.

Энди тун-кун кутяпман шу кунни,  
Бахтдан ёниб, бир озгина ўқинчни,  
Аламларни ютиб қувноқ кулгингни,  
Бахтлиман деб ҳайқирганинг түйингни.

Софинч қалбим ўртасида, майлига,  
Хижрон бағрим тилкаласа, майлига,  
Не бўлса ҳам мен бўлайин, майлига,  
Сен бахтли бўл, бахтли бўлсанг, майлига.

\* \* \*

Бунча ҳам ожизман нотавон, нодон,  
Ноилож яшайман ўқсиб-ўксиниб.  
Сени йиғлаттанды боқаман қулиб,  
Ҳақиқатнинг нега боши хам, эгик.

Иложсиз боқаман унинг юзига,  
Кулоқ тутаман тоҳ нодон сўзига,  
Бошимни эгаман, увол-ку салом,  
Ҳақиқатнинг нега боши хам, эгик.

Ёмоннинг уруги бунчалар кўпдир,  
Разолат, хусумат, алам биргадир,  
Темириң бунча кўп, ҳамда узундир.  
Ҳақиқатнинг нега боши хам, эгик.

## ТОШГА АЙЛАНДИНГ

Наҳот, шунча ўзгариб кетдинг,  
Севгинг ўрнин банд этди алам.  
Шеъриятта мойил гул кўнглинг,  
Наҳот тошга, тошга айланди.

Бир гул синса қалбинг тиғлардинг,  
Озор етса қушга йиғлардинг.  
Муҳаббатдан тинмай сўзлардинг,  
Наҳот тошга, тошга айландинг.

Ҳийла-найранг бугун сенга ёр,  
Иғво, бўҳтои кўнгилда бисёр.  
Дўстларингга берасан озор,  
Наҳот тошга, тошга айландинг.

## МУНДАРИЖА

|  |    |
|--|----|
| Ватаним .....                                | 3  |
| Сурхон қизи .....                            | 3  |
| «Үн беш кунлик дунёда дўстим...» .....       | 4  |
| Ҳаёт .....                                   | 5  |
| Таваллуд кун .....                           | 6  |
| «Ўйланиб қоламан боқиб сизларга...» .....    | 7  |
| Севиб қолибсан .....                         | 8  |
| Қайнонажон .....                             | 9  |
| Ўкинч .....                                  | 10 |
| Менга ўргат .....                            | 10 |
| Онахоним .....                               | 11 |
| «Аёлни баҳорга ўхшатгим келар...» .....      | 12 |
| Армон бўлсин ёр .....                        | 13 |
| Ёшлигим .....                                | 14 |
| Баҳор бўлиб келибсан .....                   | 15 |
| Муҳаббат .....                               | 16 |
| Кечиб қўяман .....                           | 17 |
| Севмайсан .....                              | 18 |
| «Кўксим аро икки дард мавжуд...» .....       | 19 |
| Юрагимда ишқ яшар .....                      | 20 |
| Кечмагайман муҳаббатдан .....                | 21 |
| «Юрагимни бўлиб минг бирга...» .....         | 22 |
| Совчиilar .....                              | 23 |
| Кутиш .....                                  | 24 |
| Атлас кўйлакли қиз .....                     | 25 |
| Армон .....                                  | 26 |
| «Сени ўзим келин қилдим, ҳазиёндан...» ..... | 27 |
| «Бунча ҳам ожизман нотавон, нодон...» .....  | 28 |
| Тошга айландинг .....                        | 29 |

*Агадий-бадий нашр*

ЛАТОФАТ ТЕМИРОВА

**ЮРАГИМДА ИШҚ ЯШАР**

*Шеърлар*

Мұхаррир

А.ҚУТБИДДИН

Бадий мұхаррир

Б.БОЗОРОВ

Тех.мұхаррир

Е.ДЕМЧЕНКО

Мусаққиҳ

А.ТОЖИЕВ

Компьютерда сақиғаловчи

Ф.БОТИРОВА

ИБ № 41139

Босишига 21.08.2006й да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоги 1,0. Шартли босма тобоги 1,68.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 194.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.